

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**АШУРОВА НИГОРА ГАФУРОВНА**

**ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ҲАЙЗ ЦИКЛИ БУЗИЛИШЛАРИ КЕЛИБ  
ЧИҚИШИНING ПРОГНОСТИК МЕЗОНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Science (DSc)**

**Ашурова Нигора Гафуровна**

Ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишлари келиб чиқишининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш ва коррекциялаш усуллари.....3

**Ашурова Нигора Гафуровна**

Разработка прогностических критериев развития нарушения менструального цикла у девочек-подростков и методы их коррекции.....35

**Ashurova Nigora Gafurovna**

Development of prognostic criteria for the development of menstrual disorders in adolescent girls and methods for their correction.....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....67

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**АШУРОВА НИГОРА ГАФУРОВНА**

**ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ҲАЙЗ ЦИКЛИ БУЗИЛИШЛАРИ КЕЛИБ  
ЧИҚИШИНING ПРОГНОСТИК МЕЗОНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc /Tib.587 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Зуфарова Шахноза Алимджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Иргашева Севара Уткуровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Иванова Оксана Юрьевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Т. Ходжиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш.Ахмедова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.А. Ихтиярова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. ЖССТнинг таъкидлашича, ўсмир қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги қизларнинг саломатлигини яхшилаш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим ва истикболли инвестициядир. Ҳозирги даврда ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларнинг умумий соматик саломатлигини тиклаш, репродуктив патологияларни башоратлаш, эрта аниқлаш ва ўз вақтида коррекциялаш орқали генератив потенциални яхшилаш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бутун дунё бўйича ўсмирлар соғлигини баҳолашни такомиллаштириш мақсадида ЖССТ, ЮНЭЙДС, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, “БМТ-аёллар”, Жаҳон банки гуруҳи ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида The Global Action for Measurement of Adolescent health (GAMA)<sup>1</sup> ўсмирлар соғлигини баҳолаш Глобал ҳаракати Консултантив гуруҳи ташкил этилган.

Жаҳонда охириги ўн йилликда ўсмир қизлар орасида гинекологик касалликлар (ҳайз цикли бузилишлари, жинсий аъзолар яллиғланиши ва б.қ) салмоғининг ортиб бораётганлиги статистик ҳисоботларда ўз аксини топмоқда. Ўсмир «...қизлар саломатлигининг ижтимоий аҳамиятлилиги шундаки, улар жамиятнинг яқин келажакдаги репродуктив, интеллектуал, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий резервидирлар...»<sup>2</sup>. Ўсмирлик даврида келажакдаги соғлиқ учун тамал тоши қўйилиши нуқтаи назаридан бу давр инсон ривожланишининг беқиёс ва муҳим давридир. Ўсмирлар юқори тезликдаги жисмоний, тиббий, когнитив ва руҳий-ижтимоий ривожланиш жараёнини бошдан кечириб, шахс сифатида шаклланадилар. Бу даврнинг патологик кечиши кейинчалик инсон репродуктив фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши кўплаб мисолларда исботланган.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ- 4513- сонли «...Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида...»<sup>3</sup> ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш борасида бир қанча вазифалар кўзда тутилган.

<sup>1</sup> <https://platform.who.int/data/maternal-newborn-child-adolescent-ageing/advisory-groups/gama>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2023 йилдаги ПҚ-296-сон “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПФ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилган.

Юқоридаги вазифалар ўсмир қизлар ўртасида ҳайз цикли бузилишлари (ХЦБ)ни камайтириш бўйича профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишда замонавий технологияларидан фойдаланишни оптималлаштиришни кўзда тутади. Айнан шундай ёндашув орқали ҳайз цикли бузилишлари хавф омилларини бартараф этиш, уларнинг асоратларини камайтириш ҳамда генератив потенциални ошириш имкони кенгайтирилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув марказларида Ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишлари ривожланишини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни коррекциялаш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув марказларида жумладан: Оксфорд университети (Англия), Каролинска институти (Швеция), Шимолий Каролина университети (АҚШ), Токио университети (Япония), Оттава университети (Канада), New South Wales университети (Австралия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Голландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische University Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); Академик В.И. Кулаков номидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази, РФ) да олиб борилмоқда.

Дунёни ривожланган мамлакатларининг илмий-тадқиқот маълумотлари бўйича ўтказилган таҳлили мазкур муаммонинг долзарблиги ва иқтисодий аҳамиятининг юқори даражасини намоён қилди. Ўсмир қизлар ўртасида ҳайз цикли бузилишларининг кенг тарқалганлиги репродуктив потенциални камайиши бу муаммонинг долзарблиги ва аҳамияти ҳақида гувоҳлик қилади.

---

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.acog.org](http://www.acog.org), [www.aafp.org](http://www.aafp.org), [www.jhsph.edu](http://www.jhsph.edu), [www.cpc.unc.edu](http://www.cpc.unc.edu), [www.unc.edu](http://www.unc.edu), [obsgyn.mcmaster.ca](http://obsgyn.mcmaster.ca), [www.figo.org](http://www.figo.org), [www.studylab.ru](http://www.studylab.ru), [www.ottawahospital.on.ca](http://www.ottawahospital.on.ca), [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au), [www.fadergs.edu.br](http://www.fadergs.edu.br), [pushpagiri.in](http://pushpagiri.in), [ncagp.ru](http://ncagp.ru), [www.ssmu.ru](http://www.ssmu.ru), [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳайз кўришнинг бузилиши деярли ҳар учинчи қизда учрайдиган ва ўсмирлар гинекологиясида салмоқли ўринга эга патологиядир. Қатор муаллифларнинг хулосаларига кўра, ўсмир қизларда ҳайз даврининг бузилиши таркибида бирламчи дисменорея 58-72% ни, иккиламчи дисменорея 6-9,5% ни, олигоменорея 4-8,5% ни ташкил этади. Ўсмирлик даврида 4-6% қизларда меноррагия, 1-5,5% ҳолларда бирламчи ва иккиламчи аменорея билан кузатилиши аниқланган (Chevrier L. 2018; Guimiot F., de Roux N.2020; Lidaka L., Bekere L. 2021; Chauvin S, Cohen-Tannoudji J. 2022)

Кам сонли тадқиқотлар менструал функция патологиясининг шаклланиши ва ривожланишида перинатал ва постнатал хавф омилларининг ролини ўрганишга бағишланган (Кудинова Э.Г. 2017; Башмакова Н.В. ва бошқалар 2019; Ушакова Г.А., Елгина С.И. 2020). Маълумки, замонавий қизларнинг репродуктив саломатлиги ҳолати аҳолининг кўпайиши ва демографик вазиятни белгиловчи муҳим омил ҳисобланади (Хамошина М.Б., Лебедева М.И. 2018; Куликов А.М.2020; Кротин П.Н. 2021). Тухумдон фаолиятига генетик омилларнинг таъсири ҳақида кам сонли маълумотларга эгамиз (Тимофеева Е.М., Мишарина Е.В. 2022).

Ўзбекистонда сўнгги 10 йил ичида 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларда ҳайз даври патологиясига боғлиқ ҳолатлар 3,4 баробарга ошди. Мутлақ ёки нисбий бепуштлик хавфи остида бўлган қизлар сони кўпайди (Аюпова Ф.М., Иргашева С.У. 2018). Афсуски, соғлиқни сақлаш амалиётида балоғатга етиш даврида ҳайз кўришнинг бузилиши фақат оғир клиник кўринишлар билан намоён бўлгандагина ташхисланади ва шунинг учун эрта даволаш, айниқса олдини олиш чоралари оқсамокда (Негматуллаева М.Н. 2019; Хайдарова Ф.А., Ходжаева Н.В. 2020). Бироқ, ушбу муаммолар анча серқирра ўрганилгандек кўринганига қарамасдан, ҳайз цикли бузилишларининг келиб чиқишида инсон ирсияти ва мойиллик туғдирувчи генетик омиллар, микроэлементлар ҳамда ва Д витамини танқислигининг роли ва уларнинг тухумдонлар гормонал функцияси билан ўзаро боғлиқлиги кам ўрганилган бўлиб, бу ўзбек популяцияси ўсмир қизларида менструал дисфункция ривожланишини башорат қилишга доир қўшимча изланишларни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (01.2022DSc.152) “COVID 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилиши патогенетик механизмларини ўрганиш йўли билан унинг келиб чиқиши прогностик мезонларини аниқлаш ҳамда даволашда дифференциал ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишининг турлари, частотаси ва келиб чиқиш омилларини ўрганиш йўли билан энг аҳамиятли сабаб омилларининг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

Ўсмир қизларда гормонал статуснинг ҳайз фаолияти бузилишидаги ролини ўрганиш ва уларни башоратлашда гормонал маркёрларни аниқлаш;

D витамини ва микроэлементлар танқислиги шароитида ўсмир қизларнинг гормонал ҳолати шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини ўрганиш;

Ўсмир қизларда аниқланган генлар полиморфизми мутант вариантларининг касаллик келиб чиқишидаги прогностик самарадорлигини аниқлаш;

аниқланган патологияларни инобатга олган ҳолда этиопатогенетик, комплекс ва дифференциал ёндашувга асосланган давони танлаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш;

олинган натижалар асосида ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишини башоратлаш, эрта аниқлаш ва даволаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ проспектив текширувлар учун Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятидаги мактаб ўқувчилари сафидаги 272 нафар ўсмир (11-17) ёшдаги қизлар жалб этилган. Бунда асосий гуруҳни ҳайз цикли бузилишлари билан азият чекадиган 192 нафар, назорат гуруҳини эса айнан шу ёшдаги 80 нафар соғлом, мунтазам ҳайз кўрадиган ўсмир қизлар ташкил этган. Устунлик қилувчи клиник белгиларга кўра текширилувчиларнинг асосий таркиби 2 гуруҳга ажратилган: 1- гуруҳга қисқа муддат (1-2 кун), ахён-ахёнда (36-52 кунда такрорланадиган) ва кам миқдорда (10-40 мл) ҳайз кўриш ҳамда 6 ой давомида ҳайз кўрмаслик билан намоён бўладиган турига мансуб 105 нафар қизлар киритилган. 2- гуруҳга эса ҳайзи узоқ (7 кундан ортиқ) муддат давом этадиган, тез-тез (20 кундан кам оралиғида) такрорланадиган ва кўп (80 мл дан ортиқ) миқдорда қон йўқотиш билан намоён бўладиган 87 нафар ўсмир қизлар киритилган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўсмир қизлардан таҳлил учун олинган қон намуналари ва ультратовуш текшируви (кичик чаноқ ва генитал аъзолар) натижаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий кўрув, антропометрик, клиник-лаборатор, функционал-инструментал, гормонал, молекуляр-генетик, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

CYP19A1 гени rs 726547 полиморфизми СТ гетерозигот генотиби ва ўсмир қизларда ҳайз бузилиши пайдо бўлиши ўртасида статистик ишончли мусбат боғланиш аниқланиб, унда T мутант аллелнинг учраши ҳайз бузилишини келтириб чиқариш эҳтимолини потенциал оширувчи омил эканлиги асосланган;

GNRHR гени rs104893837 полиморфизмида мутант вариантли минор А аллелининг учраши касаллик ривожланиш хавфини 42% га ошириши ҳамда ушбу генлар полиморфизмининг ўсмир қизларнинг гормонал функциясига таъсири ва уларнинг касаллик келтириб чиқаришдаги прогностик аҳамияти ROC таҳлиliga кўра асосланган;

Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи ўзбек популяцияси қизларида CYP19A1, GNRHR генларида учраган полиморф вариантларнинг ҳамда D витамини ва микроэлементлар (Ca,Zn,Fe,Mg)нинг ўсмирлик даври гормонал статусининг шаклланишидаги роли аниқланган;

гонадотроп (ФСГ, ЛГ, Пролактин, тестостерон) ва тиреотроп (ТТГ, Т3,Т4) гормонларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг ўсмир қизлар стероид статуси балансидаги аҳамиятини ўрганиш орқали касаллик ривожланиш хавфини потенциал оширувчи клиник-анамнестик, биохимиявий ва молекуляр-генетик маркёрлар асосида ҳайз цикли бузилиш хавфини аниқловчи “Интеграллашган шкала” ишлаб чиқилган;

ҳайз цикли бузилишларини даволаш мажмуасини танлашда ўсмир қизларнинг ёш хусусиятларини, ҳайз цикли бузилишлари тури ва шакллари, оғирлик даражаси ва мавжуд соматик ва генитал касалликларни инобатга олиб, унинг этиопатогенетик, комплекс профилактик терапиясига асосланган даво алгоритми яратилган ва уни қўллаш динамикасида касаллик клиник-лаборатор ижобий самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсмирлик даврига келиб, ҳайз цикли бузилиши эҳтимоли бўлган, яъни хавф гуруҳига мансуб қизлар тоифаси аниқланган. Амалий тиббиётда ушбу гуруҳга мансуб қизларда пубертат даврни ювениологлар томонидан профилактик кузатув ва кўрув чора-тадбирларини қўллаган ҳолда олиб боришни тақозо этади;

гонадотроп (ФСГ, ЛГ, Пролактин, тестостерон) ва тиреотроп (ТТГ, Т3,Т4) гормонларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг ўсмир қизлар стероид статуси балансидаги аҳамиятини ўрганиш орқали ҳайз цикли бузилиши ривожланиш хавфини потенциал оширувчи маркёрлар аниқланган ва амалиётга тадбиқ этилган;

D витамини ҳамда баъзи микроэлементлар (Ca,Zn,Fe,Mg) танқислигининг ўсмир қизларда ХЦБ ривожланишидаги роли ўрганилган ва ушбу синдром диагностикасида қон зардобиди 25(OH) D ва зарур МЭ лар миқдорини аниқлашни текширув босқичларига киритиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ХЦБ ривожланиш генезида CYP19A1 ва GNRHR генлар полиморфизмининг ўсмир қизларнинг гормонал функциясига таъсири ва уларнинг касаллик келтириб чиқаришдаги прогностик аҳамияти исботлангани асосида ушбу тоифага мансуб қизларни кўрсатмага мувофиқ молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг ҳажми, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот

усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** ҳайз цикли бузилишининг патогенетик манбаларини маъсул гормонлар ва молекуляр генетик омиллар текширувини қўллаш орқали дифференциал ташхислаш даво самарадорлигини ошириши ва репродуктив дисфункцияни эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек комплекс даво чораларини ишлаб чиқишда ва ўсмирлар организмни ўрганишга доир акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий хулосалар ўсмир ёшда ХҚБ билан азият чекадиган қизларда ушбу ҳолат ва унинг асоратларини комплекс даволаш чораларини амалга оширишда, шунингдек, репродуктив функция бузилишларининг хавfli омилларини эрта ташхислаш, биокимёвий ва генетик маркёрлар аниқланган қизларда предгравидар тайёргарлик ўтказиш, ҳайз дисфункциясига боғлиқ ўзгаришларни бартараф этишни такомиллаштирилган алгоритм бўйича олиб бориш, ўз вақтида комплекс даво чораларини ўтказиш даволаш самарадорлигини ошириши ва ҳаёт сифатини яхшилаши билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилиши ривожланишида асосий сабаб омиллари, D витамини, микроэлементларнинг танқислиги роли ва гормонал, генетик маркёрларнинг диагностик ва прогностик қийматига ҳамда даволаш натижаларига доир олинган илмий натижалар асосида:

**биринчи илмий янгилик:** CYP19A1 гени rs 726547 полиморфизми СТ гетерозигот генотиби ва ўсмир қизларда ҳайз бузилиши пайдо бўлиши ўртасида статистик ишончли мусбат боғланиш аниқланиб, унда Т мутант аллелнинг учраши ҳайз бузилишини келтириб чиқариш эҳтимолини потенциал оширувчи омил эканлиги асосланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** ўсмир қизларда ҳайз циклининг бузилишлари келиб чиқишида перинатал ва соматик омилларнинг роли етакчи эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг сабаб омилларини эрта аниқлашга йўналтирилган ҳамда мақсадли даволаш усулларини қўллаш ҳисобига ўсмир қизларда касалликлар учрашини камайтиришга эришилган. **Иқтисодий самарадорлиги:** ўсмир қизларда ҳайз циклининг бузилишларини прогнозлаш ва диагностика ҳамда даволаш усулларини такомиллаштирилган усули билан даволаш натижасида ҳар 1 бемор учун 250025 сўм бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар иқтисод қилинди. **Хулоса:** ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларини олдини олишда соматик ва генитал омилларни эрта бартараф этиш муҳим аҳамият касб этди.

**иккинчи илмий янгилик:** GNRHR гени rs104893837 полиморфизмида мутант вариантли минор А аллелининг учраши касаллик ривожланиш хавфини

42% га ошириши ҳамда ушбу генлар полиморфизмининг ўсмир қизларнинг гормонал функциясига таъсири ва уларнинг касаллик келтириб чиқаришдаги прогностик аҳамияти ROC таҳлилига кўра асосланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** ўсмир қизлар гинекологик касалликлари орасида ҳайз фаолиятининг издан чиқиши билан боғлиқ ҳолатлар энг кенг тарқалганлиги ва касаллик келиб чиқиши билан CYP19A1 гени rs 726547 полиморфизмида Т мутант аллелининг учраши орасида корреляцион боғлиқлик аниқланган. **Иқтисодий самарадорлиги:** ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларини молекуляр-генетик башоратлаш орқали хавф гуруҳлар аниқланди. Ушбу хавф гуруҳларда олиб борилган комплекс даволаш тадбирлари орқали келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олди олинди ҳамда асоратларни даволашда кетадиган сарф-харажатлар ҳисобига 950525 сўм иқтисод қилинди. **Хулоса:** CYP19A1 гени rs 726547 полиморфизмида Т мутант аллелининг учраши, ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этди.

**учинчи илмий янгилик:** Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи ўзбек популяцияси қизларида CYP19A1, GNRHR генларида учраган полиморф вариантларнинг ҳамда D витамини ва микроэлементлар (Ca,Zn,Fe,Mg)нинг ўсмирлик даври гормонал статусининг шаклланишидаги роли аниқланган, шунингдек, D витамини етишмовчилик ҳолатларида аномал қон кетиш эҳтимолини 8,43 мартага, ҳайзнинг кам келиши турдаги бузилиш эҳтимолини эса 12,36 мартага ошириши аниқланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** ўсмир қизларда ҳайз циклининг издан чиқиши ва унга боғлиқ репродуктив бузилишларни прогнозловчи клиник-лаборатор, генетик маркёрларнинг аҳамиятини ўрганиш асосида кейинчалик ривожланиш эҳтимолини бўлган асоратларнинг олдини олиш имкониятини берган ва эрта ташхислаш натижасида ногиронлик кузатилиши мумкин бўлган беморлар сонини камайтиришга эришилган. **Иқтисодий самарадорлиги:** қизларда ҳайз цикли бузилишларини прогнозлаш учун генетик таҳлиллар олиб бориш, касалликни ривожланиши ва кечишини олдиндан башорат қилишга эришиш, асоратларни учраш частотасини камайтириши билан изоҳланади. Бунинг натижасида беморларни амбулатор мурожаатлари сонини камайтиришга, 1 кунлик катнов учун 50000 сўм сарфланса, 10 нафар беморларга катнов учун стационарга хизмат кўрсатиш умумий 500000 сўмни бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларининг хавф омилларини эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш бўлажак оналар репродуктив потенциалини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

**тўртинчи илмий янгилик:** гонадотроп (ФСГ, ЛГ, Пролактин, тестостерон) ва тиреотроп (ТТГ, Т3,Т4) гормонларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг ўсмир қизлар стероид статуси балансидаги аҳамиятини ўрганиш орқали касаллик ривожланиш хавфини потенциал оширувчи клиник-анамнестик, биохимиявий ва молекуляр-генетик маркёрлар асосида ҳайз цикли бузилиш хавфини аниқловчи “Интеграллашган шкала” ишлаб чиқилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** клиник-анамнестик, биохимиявий ва молекуляр-генетик маркёрлар асосида яратилган “Интеграллашган шкала”

Ўсмир қизлар ҳайз цикли бузилиши ривожланишини башоратлаш, эрта ташҳислаш, олдини олиш орқали касалликни камайтириш имкони кенгайди. **Иқтисодий самарадорлиги:** олинган натижалар асосида беморларни амбулатор муурожаатлари сонини камайтиришга, оилавий поликлиникага 1 кунлик қатнов учун 50000 сўм сарфланади, қизларда ҳайз цикли бузилиши ва унинг асорати кузатилган беморларда қатнов учун оилавий поликлиникада хизмат кўрсатиш ҳисобидан бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** олинган натижалар асосида яратилган “Интеграллашган шкала” ўсмир қизлар ҳайз цикли бузилиши ривожланишини башоратлаш, эрта ташҳислашда муҳим аҳамият касб этди.

**бешинчи илмий янгилик:** ҳайз цикли бузилишларини даволаш мажмуасини танлашда ўсмир қизларнинг ёш хусусиятларини, ҳайз цикли бузилишлари тури ва шаклларини, оғирлик даражаси ва мавжуд соматик ва генитал касалликларни инобатга олиб, унинг этиопатогенетик, комплекс профилактик терапиясига асосланган даво алгоритми яратилган ва уни қўллаш динамикасида касаллик клиник-лаборатор ижобий самарадорлиги исботланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** даволаш усулларини янада такомиллаштириш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, жиддий асоратларининг олдини олиш ва камайтириш имконини берган ва репродуктив потенциални сақлашдаги самарадорлиги баҳоланган. **Иқтисодий самарадорлиги:** ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишлари хавф омилларини эрта аниқлаш, коррекция қилиш ва олдини олиш чораларини қўллаш туфайли 76 миллион 140 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришиш билан бирга деярли 92% беморларда ижобий натижа кузатилиб, ҳаёт сифати даражаси ошган. **Хулоса:** ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларини комплекс даволаш алгоритминини қўллаш орқали даволаш самарадорлигига ҳамда касалликни тақрорланиш хавфини камайтиришга эришилган.

Натижалар «Ўсмир қизларда ҳайз циклининг бузилиши ривожланишининг муҳим омиллари ва уларни олдини олиш усуллари» номли (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 июлдаги № 23-м/069- сон хулосасига кўра тасдиқланган маълумотнома) ва “Генетик предикторларни ҳисобга олган ҳолда ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларини даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш усуллари” (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 июлдаги № 23-м/068 сон хулосасига кўра тасдиқланган маълумотнома) номли услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, РИОваБСИАТМ ДМ Бухоро вилояти филиали ҳамда РИОваБСИАТМ ДМ Самарқанд вилояти филиаллари амалиётига татбиқ этилган (ССВ Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10-сонли йиғилиш баённомаси хулосаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар ўсмир қизларда ҳайз циклининг бузилишини эрта аниқлаш ва даволаш сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратлар частотаси ва бепуштликни қисқартириш, даволаш харажатларини камайтириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 202 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи бобида** муаммога доир олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишлари клиник шакллари ва уларнинг ривожланиш механизми, етакчи диагностика усуллари, замонавий даволаш жиҳатлари, олдини олишга қаратилган чоратadbирларни талқин қилишга бағишланган сўнгги йиллар илмий натижалари маҳаллий ва хорижий муаллифлар тадқиқот натижалари мисолида батафсил шарҳланган. Биринчи боб олиб борилган илмий тадқиқот ишининг муҳимлигини асослаб берувчи хулоса билан яқунланган.

Диссертациянинг «**Текшириш усуллари ва кузатувлар тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида ҳайз цикли бузилиши билан азият чекадиган ўсмир қизларда олиб борилган клиник, лаборатор-инструментал текшириш усуллари, соматик ва генитал статусни баҳоловчи тавсиф, уларнинг диагностик аҳамияти, ўтказилган тадқиқотларнинг тартиб ва шарт-шароитлари ҳамда баҳолаш мезонлари изоҳланган. Барча беморларда анкета сўровномаси, антропометрия, Таннер шкаласига биноан ёшга доир жинсий белгиларнинг ривожланишига баҳо бериш; Ферриман-Голлвея шкаласи бўйича гирсутизмни аниқлаш учун умумий кўриқдан ўтказиш: генитал аъзолари трансабдоминал УТТ (Mindray DC-3); кўрсатмага кўра терапевт, эндокринолог ва бошқа тор мутахассисларнинг консултациялари ташкил этилган. Лаборатор таҳлиллар хемилюминесцент-иммуноанализ (MAGLUMI

800 IHL-Snibe,China) усулида амалга оширилган. Қон зардобида ФСГ, ЛГ, умумий тестостерон, эркин тестостерон, эстрадиол, ДГЭАС, прогестерон, ТТГ,Т4, D витамини ва магний, рух, темир, кальций микроэлементлари концентрациялари текширилган. Молекуляр-генетик таҳлиллар Ўзб.Р ССВ тасарруфидаги ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг "Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологияси" бўлимида профессор, т.ф.д. Бобоев Қ.Т. раҳбарлигида олиб борилган. Тадқиқотлар Real-time PSR режимида "ROTOR-GENE Q" аппаратида (Giagen-GmbH,Германия) амалга оширилган. Ўсмир қизларнинг периферик веноз қонидан ажратилган ДНК намуналари тадқиқот материали бўлиб хизмат қилган. Бемор ва назорат гуруҳларида GNRHR генида Arg262Gln,VDR генидаги A/G ва CYP19A1 генидаги C/T полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси текширилган.

Диссертациянинг **“Менструал бузилиши мавжуд ўсмир қизларда клиник ва биокимёвий ўзгаришлар ва уларнинг ўзаро ассоциацияси”** деб номланган учинчи бобида ХЦБ мавжуд қизларда клиник белгилар хусусияти ва хавф омилларининг биохимиявий кўрсаткичлар билан ўзаро корреляцион боғланиш хусусиятлари батафсил баён этилган.

Анамнестик ва объектив текширув натижаларига кўра, менструал бузилиши ривожланишида аҳамиятга эга потенциал хавф факторларини учраш частотаси асосий таркибнинг 1- ва 2-гуруҳлари ва шартли соғлом ўсмир қизларда ўзаро солиштириб кўрилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ҳайз цикли бузилишига сабаб бўлувчи аҳамиятли омиллар

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=192		Ҳайзнинг кам келиши n=105		Ҳайзнинг кўп келиши n=87		Назорат гуруҳи n=80	
	n	%	n	%	n	%	n	%
Онасининг анамнезида бепуштлиқ	30	15,6*	18	17,1*	12	13,7	4	5,0
Ҳомиладорликнинг асоратли ўтиши	116	60,4**	65	61,9**	51	58,6*	9	11,2
Туғруқнинг асоратли ўтганлиги	50	26,0*	26	24,8*	24	27,6*	10	12,5
Онада менструал дисфункция	87	45,3**	51	48,6**	36	41,3**	3	3,7
Беморда ўРВИнинг тез-тез такрорланиши	75	39,0**	45	42,8**	30	34,5**	5	6,2
Қалқонсимон без касалликлари	51	26,5*	29	27,6*	22	25,2*	9	11,2
Жисмоний ривожланишдан орқада қолиш	41	21,3**	25	23,8**	16	18,3**	0	0,0
Акций зуриқиш	34	17,7	18	17,1	16	18,4	7	8,7
Салбий ижтимоий яшаш омиллари	35	18,2*	20	19,0*	15	17,2	6	7,5
Сурункали уйқуга туймаслик	33	17,2	17	16,2	16	18,4	6	7,5
Асабийлик ҳолатларига мойиллик	22	11,45	11	10,5	11	12,6	4	5,0
Нотўғри ва нораціонал овқатланиш	55	28,6*	32	30,5**	23	26,4*	3	3,75

Об-ҳаво ва яшаш жойини тез-тез ўзгартириш	14	7,3	8	7,6	6	6,9	4	5,0
---	----	-----	---	-----	---	-----	---	-----

Изоҳ: назорат гуруҳига нисбатан, \* - статистик ишончлилик < 0,05; \*\* - статистик ишончлилик < 0,01; \*\*\* - статистик ишончлилик < 0,001.

Касаллик келиб чиқиши эҳтимоли статистик ишончли кенг тарқалган факторлар бўйича эҳтимоллар нисбати (**OR**) кўрсаткичи орқали ҳисобланди. 1-жадвалда намоён бўлганидек, ҳайзнинг кам келиши ва кўп келиши туридаги бузилишлари бор гуруҳларда ҳайз бузилиши ривожланиш эҳтимолини сезиларли оширган хавф факторлари сифатида, ҳомиладорликнинг асоратли ўтиши- эҳтимоллар нисбати бўйича 9,2 маротаба (95%CI: 4,44-14,1) ва 8.0 маротаба (95%CI: 3,80-13,90) ошириши, беморда ўРВИнинг тез-тез такрорланиши эса касалликлар ривожланиш эҳтимолини мос равишда, 5,25 марта (95%CI: 2,44-11,3) ва 3,68 марта (95%CI: 1,66-8,17) ошириши, беморларда эутиреодит бўқоқнинг мавжудлиги эса касалликлар ривожланиш эҳтимолини мос равишда, 5,1 марта (95%CI: 2.71-9.57) ва 4,43 марта (95%CI: 2,31-8,50) ошириши аниқланди.

Шунингдек, текширилган гуруҳ ўсмир қизларида гормонал статусни ўрганиш мақсадида қон таркибидаги гонадотроп ва тиреотроп гормонлар концентрациясининг қиёсий кўрсаткичлари ўрганилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ҳайз цикли бузилиши мавжуд ва шартли соғлом ўсмир қизларда баъзи биокимёвий кўрсаткичлар фарқи.

Кўрсаткичлар	Ҳайзнинг кўп ва тез-тез келиши	Ҳайзнинг кам келиши+аменорея	Назорат гуруҳи
ФСГ(мЕд/мл)	10.05±0.73 <sup>^^^</sup>	13.14±0.85 <sup>***</sup>	10.15±0.58
ЛГ (мЕд/мл)	10.66±0.81 <sup>^^^</sup>	27.5±0.95 <sup>***</sup>	9.84±2.2
ЛГ/ФСГ	1.06±0.12 <sup>^^^</sup>	2.09±0.37 <sup>***</sup>	0.95±0.38
T (умум)(нмоль\л)	3.15±0.33 <sup>***</sup>	3.3±0.26 <sup>***</sup>	0.98±0.05
T (эркин) (пг\мл)	2.35±0.13 <sup>^^</sup>	3.66±0.34 <sup>***</sup>	2.13±0.12
Э2 (пг/мл)	93,4±3.89 <sup>^^^***</sup>	25.94±2.16 <sup>***</sup>	46±2.16
УТ/Э2	1.38±1.84 <sup>^^^***</sup>	68.15±10.4 <sup>***</sup>	6.69±0.46
ДГЭАС (мг\дл)	380.7±17.3 <sup>***</sup>	376.7±16.1 <sup>***</sup>	217.67±10.8
Прогестерон (нмоль\л)	5.3±0.38 <sup>^^^***</sup>	12.44±0.56 <sup>***</sup>	2.74±0.38
ТТГ (мЕд/мл)	2.44±0.14 <sup>^^</sup>	3.74±0.31 <sup>*</sup>	2.69±0.11
T4 эркин (нг\мл)	10.99±0.35 <sup>^***</sup>	12.9±0.51	13.2±0.29
Пролактин (мЕд/мл)	287.3±13.9 <sup>^*</sup>	348.5±14.1	329.9±9.7
25 (ОН)Д (нг\мл)	22.87±1.0 <sup>***</sup>	20.77±0.56 <sup>***</sup>	29.71±0.85


Изоҳ: назорат гуруҳига нисбатан\* – p<0,05; \*\*- p<0,001; \*\*\* – p<0,0001, - ҳайзнинг кам келиши гуруҳига: ^ – p<0,05; ^^ – p<0,01; ^^ – p<0,001.

2-жадвалда келтирилганидек, ҳайзнинг кам келиши+аменорея мавжуд қизларда, ФСГ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 1,29 бараварга (p>0,05) ошганлиги, ЛГ концентрацияси бемор гуруҳларда назорат гуруҳидан деярли фарқ қилмаганлиги аниқланди (p>0,05). Шунга кўра, ЛГ ва ФСГ нисбати

ҳисобланганида, бу кўрсаткич ҳайзнинг кам келиши+аменорея мавжуд беморларда назорат гуруҳига нисбатан 2,2 марта юқорилиги ( $p < 0,001$ ) билан эътиборни тортади. Шунингдек, андрогенлар концентрацияси хусусан, умумий тестостерон миқдори кўп ва кам ҳайз келиши мавжуд беморларда, мос равишда назорат гуруҳидан 3,21 ва 3,37 марта юқорилиги ( $p < 0,001$ ) тасдиқланган. Эстрадиол миқдори ҳайзнинг кўп келиши билан азият чекадиган қизларда назорат гуруҳига нисбатан 2 марта юқорилиги ( $p < 0,001$ ), бошқа томондан гипоменструал синдром мавжуд беморларда эса назорат гуруҳига нисбатан 1,77 марта камлиги ( $p < 0,001$ ) аниқланган. Айнан шу гуруҳда андроген/эстроген ёки умумий тестостерон/эстрадиол нисбати ҳисобланганида, мос равишда 1,38 марта ( $p < 0,001$ ) ва 10,1 марта ( $p < 0,001$ ) юқорилиги аниқланган.

Ҳайзнинг кам келиши турида аниқланган биокимёвий ўзгаришлар сирасига, ФСГ миқдорини ишончли ортганлиги ва шу сабабли ЛГ/ФСГ нисбатининг абнормал ошиши, ҳамда эркин тестостерон миқдорининг сезиларли ошганлиги ва эстрадиол миқдорининг ишончли камайганлиги, шу сабабли УТ/Э2 нисбатининг абберант равишда ошганлигини киритиш мумкин. Шунингдек, ТТГ миқдори ҳам айнан шу гуруҳда статистик аҳамиятли ошганлиги кузатилган.

D витамини дефицити натижасида ароматаза экспрессияси пасайиши андроген ва эстрогенлар нисбатини ўзгаришига сабаб бўлиши орқали плазмадаги эркин андрогенлар миқдорини ошишига олиб келиши мумкинлигини эътиборга олиб, D витамини дефицитининг ўсмир қизларда турли хилдаги менструал дисфункциялар ривожланишидаги роли ўрганилган. Натижаларга кўра, 25(OH) D дефицити гарчи иккала турдаги ҳайз бузилиши ривожланишида аҳамиятли деб топилган бўлсада, унинг касаллик ривожланишидаги прогностик самарадорлиги гипоменструал турдаги ўзгариш учун юқорироқ эканлиги ROC анализи текшируви орқали ҳам ўз тасдиғини топган (1-расм).




**1-расм. 25(OH) D дефицитининг ҳайз циклининг кўп ва кам келиши турларидаги бузилишлари ривожланишидаги прогностик самарадорлигининг ROC эгри чизиғи орқали ифодаси.**

Шу қаторда, гормонал ўзгаришларнинг касаллик ривожланишидаги прогностик аҳамияти аниқлаш мақсадида, сезгирлик (SE), махсуслик (SP), диагностик самарадорлик (AUC) ва патогенетик аҳамиятини аниқлаш

мақсадида хавф омили (OR) каби кўрсаткичларга текширилган ва диагностик самарадорлик куйидагича баҳоланган: 100-90% ёки 1,0-0,9 – аъло даражада, 90-80% ёки 0,9-0,8 – жуда яхши даражада, 80-70% ёки 0,8-0,7 – яхши даражада, 70-60% ёки 0,7-0,6 – ўртача даражада, 60-50% ёки 0,6-0,5 қоникарсиз даражада).

Жумладан, юқори миқдордаги эстрадиол кўрсаткичининг гиперменструал белгилари устунлигидаги бузилишларни прогнозлашдаги сифати аъло даражада (AUC=0,93) эканлиги, УТ/Э2 нисбатининг абнормал пастлигининг прогностик аҳамияти сифати яхши даражада (AUC=0,74,6) эканлиги маълум бўлган. Гиперменструал белги устунлиги мавжуд қизларда юқори миқдордаги эстрадиол кўрсаткичи айнан шу турдаги ҳайз бузилиши ривожланиш эҳтимолини 121,5 мартага (95%CI: 40,2-366,8;  $p<0,001$ ) ошириши, УТ/Э2 нисбатининг абнормал пастлиги эса 17,34 мартага (95%CI: 6,82-44,1;  $p<0,001$ ) ошириши, пролактин миқдорини камайиши эҳтимолликни 4,15 (95%CI: 1,82-9,45;  $p<0,001$ ) мартага ҳамда эркин тироксин миқдорининг камайиши эса касаллик эҳтимолини 2,79 (95%CI: 1,42-5,49;  $p=0,03$ ) мартага ошириши аниқланган.


Ҳайзнинг кам келиши гуруҳида гормонал кўрсаткичларнинг прогностик қиймати эҳтимоллар нисбати бўйича таҳлил қилинганда куйидагилар маълум бўлган: абнормал ЛГ/ФСГ нисбати ва УТ/Э2 нисбати юқорилиги айнан шу турдаги касаллик келиб чиқиш эҳтимолини, мос равишда 12,3 мартага (95%CI: 5,55-27,3;  $p<0,001$ ) ва 9,3 мартага (95%CI: 3,89-22,39;  $p<0,001$ ) ошириши аниқланди. Бундан ташқари, юқори миқдордаги эркин тестостерон ва ТТГ кўрсаткичлари келтирилган турдаги бузилиш келиб чиқиши эҳтимолини 3,14 (95%CI: 1,56-6,31;  $p<0,001$ ) марта ва 2,95 (95%CI: 1,42-6,16;  $p=0,004$ ) мартага ошириши аниқланган. Келтирилган факторларнинг ҳайзнинг кам келиши ривожланишидаги уч карра ва икки карралик синтропик таъсири прогностик аҳамияти текширилганида абнормал юқори ЛГ/ФСГ ва УТ/Э2 нисбати прогностик аҳамияти аъло даражали (AUC=0,956;  $p<0,001$ ), юқори ЛГ/ФСГ нисбати ва 25(ОН) D дефицити синтропик таъсирининг прогностик аҳамияти жуда яхши даражали (AUC=0,874;  $p<0,001$ ), ҳамда юқори УТ/Э2 нисбати ва 25(ОН) D дефицити прогностик модел сифатидаги аҳамияти яхши сифатли (AUC=0,744;  $p<0,001$ ) эканлиги аниқланган. Келтириб ўтилган кўрсаткичлар уч карра синтропик таъсири ўсмир қизларда ҳайзнинг кам келиши туридаги ҳайз бузилиш билан, келтирилган кўрсаткичларнинг мустақил намоён бўлганига нисбатан кучли мусбат ассоциацияланиши ва келтирилган кўрсаткичларнинг касаллик ривожланиши прогнозлашда интегратив таъсири аъло сифатлилигини кўрсатган (2-расм).



**2-расм. Ҳайзнинг кам келиши+аменорея туридаги бузилиш ривожланишидаги гормонал кўрсаткичлар синтропик таъсирининг прогностик самарадорлигини аниқлашда ROC эгри чизиғи.**

Изоҳ: Келтирилган кўрсаткичлар учун прогностик самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблашдаги бўсаға чегараси –  $(\text{Mean}+2\sigma)_{\text{назорат гуруҳи}}$  бўйича ҳисобланган.

Шунингдек, кўрсаткичларнинг икки карра синтропик таъсири бўйича, юқори пролактин ва 25(OH) D дефицити ўсмир қизларда ҳайзнинг кўп келиши мавжудлигини ташхислашда, мустақил ҳолдаги юқори эстрадиолдан кейинги энг сифатли предиктор аҳамиятига эгалигини кўрсатган (3-расм).




**3-расм. Турли гормонал маркёрларнинг ҳайзнинг кўп ва тез-тез келиши типдаги бузилиш ривожланишидаги синтропик таъсири прогностик самарадорлигини аниқлашда ROC эгри чизиғи.**

Изоҳ: Келтирилган кўрсаткичлар учун прогностик самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблашдаги бўсаға чегараси –  $(\text{Mean}+2\sigma)_{\text{назорат гуруҳи}}$  бўйича ҳисобланди.

Ўсмир қизларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, антропометрик маълумотлар ва ультратовуш натижаларини тақдим этишда улар 2 та: 11-13 ва 14-17 ёш тоифаларига бўлинган. Иккала ёш тоифасида ҳам камдан-кам ҳайз кўрадиган қизларда жисмоний ва жинсий ривожланишнинг кечикиш белгилари тез-тез ҳайз кўрадиган гуруҳга қараганда мос равишда 7 ва 3,6 марта тез-тез кузатилган. Бироқ, бу ҳолат ультратовуш текширувида


мос равишда фақат 57,1% ва 36,1% ҳолларда тасдиқланган.

Диссертациянинг **IV боби** менструал бузилиш мавжуд ўсмир қизларда молекулар генетик текширув натижаларини изоҳлайди. Тадқиқотда СҮР19А1 генининг rs726547 полиморфизмида минор – Т аллелнинг тақсимланиши асосий гуруҳда кўпроқ (назорат гуруҳида 13,1% ни ва асосий гуруҳда 20,8% ни ташкил этди) учраган. Ёввойи турдаги – С аллелининг улуши эса назорат гуруҳида асосий гуруҳга (мос равишда 79,2% ва 86,8%) нисбатан юқори (4-расм).



**4-расм. Ҳайз цикли бузилиши мавжуд ўсмир қизларда СҮР19А1 гени аллелларининг Ғоизларда тақсимланиши.**

Генотипларнинг тақсимланишига кўра, асосий гуруҳнинг 65,1 % да-гомозигот ёввойи СС генотипли, 28,1% да-гетерозигот генотипли ва 6,7% гомозиготли ТТ генотипли беморлар ташкил этган. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар, мос равишда, 76,25%, 21,25% ва 2,5%ни ташкил этган (5-расм). СҮР19А1 генида ўрганилган rs726547 полиморфизмида генотипларнинг тарқалиши Харди-Вайнберг тенгламасига мувофиқ текширилган. Асосий гуруҳда эмпирик – кузатилган ва кутилган - теоретик даражаларда гомозиготали генотиплар - С/С ва Т/Т индикатори мос равишда 0,651/0,626 ва 0,067/0,043 ни ташкил қилиб, гетерозигот генотип даражаси кутилган натижадан бир оз пастроқ эканлиги аниқланган (0,281/0,329;  $D = -0,14$ ).




**5-расм. Ҳайз цикли бузилиши мавжуд ўсмир қизларда СҮР19А1 гени rs726547 полиморфизми генотипларининг тақсимланиши.**

Ўсмирларда ҳайз цикли бузилиши ривожланишида СҮР19А1 rs726547

полиморфизмининг патогенетик аҳамияти таҳлил қилинганда, эҳтимоллар нисбати бўйича (OR) ёввойи – С аллели ташувчилари касалликнинг ривожланиш эҳтимолини 0,43% (95% CI: 0,341-0,966) камайтиришини кўрсатган, бу эса С аллели касаллик ривожланишида статистик ишончли ( $\chi^2=4,44$ ;  $p=0,036$ ) протектив аҳамиятга эгаллигини кўрсатган. Бошқа томондан, тадқиқотда CYP19A1 rs726547 полиморфизми минор – Т аллелининг мавжудлиги ҳайз цикли бузилиши ривожланиш эҳтимолини статистик ишончли 74% га оширишини кўрсатган (OR = 1,74; 95% CI: 1,03-2,932;  $\chi^2 = 4,44$ ;  $p=0,036$ ). Шунингдек, CYP19A1 гени rs726547 полиморфизмида генотип ва фенотип орасидаги боғланиши текширилганида, Т/Т генотиби тутувчи беморларда, Э2 концентрацияси статистик ишончли ошганлиги ( $p<0,05$ ) аниқланган.

VDR гени rs1544410 полиморфизми ва ҳайз бузилиши мавжуд ўсмир қизлар аллеллар ва генотиплар тақсимланишига кўра, гарчи статистик ишончли боғланиш аниқланмаган бўлсада, хи-квадрат кўрсаткичи ёввойи G ва минор A аллеллар ҳайз бузилиши ривожланишида сезиларли тенденцияга эгаллиги аниқланган ( $\chi^2=2,24$ ,  $p=0,13$ ). Шунингдек, GNRHR гени rs104893837 полиморфизмида минор аллел улуши асосий гуруҳда 2,3% тарқалганлиги билан ҳайз бузилиш ривожланиши орасида кучли тенденция мавжудлиги ( $\chi^2=3,8$ ,  $p=0,051$ ) ва генотиплар тақсимланиши бўйича ҳам статистик аҳамиятли ассоциация ( $\chi^2=3,88$ ,  $p=0,049$ ) аниқланган.

Диссертациянинг V боби “**Ўсмир қизларда ҳайз цикли бузилишларини даволашга дифференциал ёндашув**” деб номланган бўлиб, мазкур бобда ҳайз цикли патологияси бор ўсмир қизлар учун даво тактикасини белгилашда, аввало уларнинг ёш хусусияти, жисмоний ва руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда ёндашиш заруриятига урғу берилган. **Ҳайзнинг тез-тез ва кўп бўлиши турида даволашнинг 1-босқичида** номедикаментоз даво (сухбат, рационал кун тартиби, овқатланиш рақиси, дозаланган спорт машқлари, зарарли одатларни бартараф этиш), **2-босқичида--** медикаментоз ногормонал (антифибринолитиклар - тренаксам кислота, этамзилат натрий, НЯҚП, утеротониклар, витаминотерапия, микроэлементлар) ҳамда **3-босқичида** гормонал терапия (аралаш орал контрацептивлар) ларнинг қўлланилиши асосланган. **Реабилитация босқичи** такрор қон кетишларни олдини олишга қаратилган. Даво самарадорлиги натижалари 3 ва 6 ойдан сўнг баҳоланган (6- расм)




**6-расм. Аномал қон кетиши мавжуд қизларда ҳайз цикли клиник кўринишларининг даволаш динамикасида ўзгариши.**

Изоҳ: Даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан статистик ишонччилик: \* –  $p < 0,05$ ; \*\* –  $p < 0,01$ ; \*\*\* –  $p < 0,001$ .

